
ФАРҒОНА ҲУДУДИЙ ЭЛЕКТР ТАРМОҚЛАРИ КОРХОНАСИ ИШЧИ-ХОДИМЛАРИНИНГ 40 НАФАРДАН ОРТИҚ ФАРЗАНДЛАРИ УЧУН СУННАТ ТЎЙИ ЎТКАЗИЛДИ

Фарғона шаҳридаги “Файз” тантаналар мажмуида “Фарғона ҳудудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ ташаббуси билан соҳада меҳнат қилаётган ишчи-ҳодимларнинг 40 нафардан ортиқ фарзандлари учун суннат тўйи ўтказилди.

Тантанали тадбирда вилоят ҳокимининг ўринбосари Комила Кавланова, Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Қобилжон Қирғизалиев иштирок этди.

Тадбир аввалида нуронийлар қуръон тиловат қилиб, юртга тинчлик-омонлик, Ватан ободлиги, халқимиз фаровонлигини тилаб, дуога қўл очдилар. Тўйболаларнинг ҳар бирига велосипед, оила аъзоларига эсдалик совғалари ва пул мукофотлари топширилди.

Шодиёнада иштирок этган ота-оналар эътибор ва эҳтиромдан мамнун эканликларини изҳор қилдилар.

Элимиз суйган санъаткорлар дилтортар тароналари билан иштирокчиларга кўтаринки кайфият улашди. Тўй тантаналари болажонларнинг шох-шодон ўйин-кулгулари билан давом этди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-08-26 12:17:22